



ISSN 2181-9130

Doi Journal 10.26739/2181-9130

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

11 ЖИЛД, 4 СОН

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ 11, НОМЕР 4

JOURNAL OF LAW RESEARCH

VOLUME 11, ISSUE 4



ТОШКЕНТ-2026

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF LAW RESEARCH

№4 (2026) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2026-4>

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Abdurasulova Qumriniso Raimqulovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Fayziev Shoxrud Farmonovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

12.00.01 - ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ / ТЕОРИЯ ПРАВА И ГОСУДАРСТВА, ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ / THEORY OF LAW AND STATE, HISTORY OF LEGAL DOCTRINES

Boboyev Halimboy Boboyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ahmedshaeva Mavlyuda Axatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxitdinova Firyuza Abdurashidovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Adilxodjayeva Surayyo Maxkamovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Sattorov Abdug'afvor
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Yosuke Shamoto
yuridik fanlar doktori, professor (Yaponiya)
Umarxonova Dildora Sharipxonovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Nematov Jo'rabek Nematilloevich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

12.00.02 - КОНСТИТУЦИОННИЙ ҲУҚУҚ, МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ, МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ / КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО; АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО; ФИНАНСОВОЕ ПРАВО / CONSTITUTIONAL LAW; ADMINISTRATIVE LAW; FINANCIAL RIGHT

Malikova Gulchexra
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xusanov Ozod Tillabayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Selimanova Svetlana Mixaylovna
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)

Xvan Leonid Borisovich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)
Peshkova Xristina Vyacheslavovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
Sung Un Lee
yuridik fanlar doktori, professor (Janubiy Koreya)

12.00.03 - ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО; ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЕ ПРАВО; СЕМЕЙНОЕ ПРАВО; МЕЖДУНАРОДНОЕ ЧАСТНОЕ ПРАВО / CIVIL LAW; BUSINESS LAW; FAMILY LAW; PRIVATE INTERNATIONAL LAW

Oqyulov Omonboy
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ro'zinazarov Shuhrat Nuraliyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ruziyev Rustam Jabborovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Borotov Mirodiljon Xomudjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Toshev Boboqul Norqobilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Shomuxamedova Zamira Shoislamovna
yuridik fanlar doktori, (O'zbekiston)
Ahmad Issa Altweissi
yuridik fanlar doktori, professor (Iordaniya)
Mexmonov Kambariddin Miradxamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

12.00.04 - ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАҚАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ / ГРАЖДАНСКОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; ХОЗЯЙСТВЕННОЕ ПРОЦЕССУАЛЬНОЕ ПРАВО; АРБИТРАЖНЫЙ ПРОЦЕСС И МЕДИАЦИЯ / CIVIL PROCEDURE LAW; ECONOMIC PROCEDURAL LAW; ARBITRATION PROCESS AND MEDIATION

Esanova Zamira Normurodovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mamasidiqov Muzaffar Musajonovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jason A.
Kanton Federal sud markazi (AQSH)
Borut Strazisar
Yuridik bo'lim boshlig'i (Sloveniya)

12.00.05 - МЕХНАТ ҲУҚУҚИ. ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ ҲУҚУҚИ / ТРУДОВОЕ ПРАВО; ПРАВО СОЦИАЛЬНОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ / THE LABOR LAW; SOCIAL SECURITY LAW

Usmanova Muborak Akmalxonovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Gasanov Mixail Yuriyevich
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)
Sattorova Gulnoza Djurakulovna
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)

Murodova Gulnora
yuridik fanlar doktori, dotsent (O'zbekiston)
Denisov Gleb
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Fayziyev Shuxrat Xasanovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Usmonov Muhammadi Bahridinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Xolmuminov Juma
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Jo'rayev Yuldash Achilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Nurmatov Mirg'olib Mirzayevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Po'latov Baxtiyor Xalilovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Salomov Baxrom Salomovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Osmonaliyev Qayrat
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirzayev Aziz
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Aleksey Kibalnik
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Kudryavtsev Vladislav Leonidovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Sergey Shoshin
yuridik fanlar doktori, dotsent (Rossiya)
James B.
Eaglin Federal sud markazi (AQSH)

Rustambayev Mirzayusup Hakimovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Zufarov Rustam Axmedovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Kabulov Rustam
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Rajabova Mavjuda Abdullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Ismailov Isomiddin
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Hamidov Nurmuhhammad Orif o'g'li
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (O'zbekiston)
Yuldoshev Rifat Raxmadjonovich
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Djansarayeva Rima Ernatovna
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Yelena Antonyan Aleksandrovna
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Matthew Light
yuridik fanlar doktori, professor (Kanada)
Qo'shayev Nurali Mahmudovich
yuridik fanlar nomzodi, dotsent (O'zbekiston)


Inog'omjonova Zumratxon Fatxullayevna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Pulatov Yuriy Safiyevich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
To'laganova Gulchehra Zaxitovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Muxiddinov Faxriddin Muxiddinovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Mirzov Davron Miragzamovich
yuridik fanlar doktori (O'zbekiston)
Rijakov Aleksandr Petrovich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)

Stoyko Nikolay Genadyevich
yuridik fanlar doktori, professor (Rossiya)
Iskandarov Zayniddin
yuridik fanlar doktori, professor (Tojikiston)
Sergey Pen
yuridik fanlar doktori, professor (Qozog'iston)
Aleksey Purs
yuridik fanlar doktori, dotsent (Belarus)
Jurgen Maurer
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)
Kevin Curtin
yuridik fanlar doktori, professor (AQSH)

Ismoilov Bahodir Islamovich
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Matkarimova Gulchehra Abdusamatovna
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)

Yuldasheva Govxerjan
yuridik fanlar doktori, professor (O'zbekiston)
Alexander Trunk
yuridik fanlar doktori, professor (Germaniya)

1. Abdullayev Jamshid Djamilovich HAQ EVAZIGA XIZMAT KO'RSATISH SHARTNOMALARI TIZIMIDA TIBBIY XIZMAT DIAGNOSTIKA – TASHXIS QO'YISH BILAN BOG'LIQ SHARTNOMALARNING TUTGAN O'RNI.....	5
2. Баходирова Нилуфар Зафар кизи ФЕНОМЕН DATA-DRIVEN ЭКОНОМИКИ И ТРАНСФОРМАЦИЯ АНТИМОНОПОЛЬНОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН.....	12
3. Ibragimova Rayxon Shodmon qizi FUQAROLIK PROTSESSIDA GUVONNING HUQUQIY MAQOMI VA O'RNI.....	19
4. Курбанова Лолита Алишеровна ОСОБЕННОСТИ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ПРИКОМАНДИРОВАНИЯ РАБОТНИКОВ В ТРУДОВЫХ ОТНОШЕНИЯХ.....	25
5. Po'latov Mirzohid Qo'zimurodovich OLIY TA'LIM TASHKILOTLARIDA PEDAGOGLAR XODIMLARNI MAJBURIY TIBBIY KO'RIKDAN O'TKAZISHNING HUQUQIY MUAMMOLARI.....	35
6. Abdulxoshimov Shoxruxbek Shuxratjon o'g'li XODIMNI ISHDAN CHETLASHTIRISHDA HUQUQIY KAFOLATLAR VA PROTSESSUAL HIMOYA VOSITALARI.....	44
7. Насритдинова Наргиза Шокиржоновна АЙРИМ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА НОМУСТА ТЕГИШ УЧУН ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИК ВА УНИНГ ЖИНСИЙ ЭРКИНЛИККА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ.....	51
8. Рапиқов Хурсанали Юлдошбоевич ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИДА ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР БЕЗОРИЛИГИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАСИ.....	58
9. Sadullayev Jahongir Jamshedovich SUN'IY INTELLEKT YORDAMIDA HUIJATLARNI SOXTALASHTIRISH: JINOYAT- HUQUQIY TAVSIF VA JAVOBGARLIK MASALALARI.....	67
10. Musurmanov Bekzod Raximovich TERGOV JARAYONIDA RAQAMLI (ELEKTRON) DALILLARNING NAZARIY TUSHUNCHALARI VA YURIDIK TABIATI.....	75
11. Yusuvalieva Rakhima Yusupovna, Amirkulova Parinamoi Behbud LEGAL BASIS FOR THE PROTECTION OF MIGRANTS' RIGHTS IN THE LEGISLATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN.....	82
12. Бабаджанов Бахтиёр Бекович ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ ЖАМИЯТДА ИЖТИМОЙ БАРҚАРОРЛИК, ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ.....	89




12.00.12-ПРОБЛЕМЫ КОРРУПЦИИ

Бабаджанов Бахтиёр Бекович,
 Сурхондарё вилояти прокурори
 Адлия катта маслаҳатчиси
 E-mail: pulatovmirzohid7@gmail.com

**ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ ЖАМИЯТДА ИЖТИМОЙ
 БАРҚАРОРЛИК, ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ УСТУВОР
 ЙЎНАЛИШИ**

For citation: Babadjanov Bakhtiyor Bekovich, Amirkulova Parinamoi Behbud. THE FIGHT AGAINST CRIME IS A PRIORITY TASK TO ENSURE SOCIAL STABILITY, PEACE AND SECURITY IN SOCIETY. Journal of Law Research. 2026, 11 vol., issue 4.

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.20082572>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада жамиятда ижтимоий барқарорлик, тинчлик ва хавфсизликни таъминлашда жиноятчиликка қарши курашишнинг устувор аҳамияти ёритилган. Унда давлат томонидан амалга ошириладиган ҳуқуқий сиёсат, хусусан, жиноятчиликнинг олдини олиш, профилактика тизимини такомиллаштириш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини кучайтириш масалалари таҳлил қилинган. 2026 йил 5 январдаги Президент қарорлари асосида маҳаллаларда хавфсиз муҳит яратиш, аҳоли билан манзилли ишлаш, рақамли технологияларни жорий этиш ва идоралараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича кўриладиган чора-тадбирлар очиқ берилган. Шунингдек, Сурхондарё вилояти мисолида амалга оширилган амалий ишлар ва уларнинг ижобий натижалари статистик маълумотлар асосида кўрсатиб ўтилган. Мақолада профилактика тадбирларининг самарадорлиги ва келгусидаги устувор йўналишлар илмий-амалий жиҳатдан асослаб берилган.

Калит сўзлар: жиноятчилик, профилактика, ижтимоий барқарорлик, жамоат хавфсизлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, маҳалла, рақамли технологиялар, ижтимоий профилактика, давлат сиёсати, ҳуқуқий маданият, ҳамкорлик, хавфсиз муҳит.

Бабаджанов Бахтиёр Бекович,
 Прокурор Сурхандарьинской области
 Старший советник юстиции
 E-mail: pulatovmirzohid7@gmail.com

**БОРЬБА С ПРЕСТУПНОСТЬЮ ЯВЛЯЕТСЯ ПРИОРИТЕТНОЙ ЗАДАЧЕЙ ДЛЯ
 ОБЕСПЕЧЕНИЯ СОЦИАЛЬНОЙ СТАБИЛЬНОСТИ, МИРА И БЕЗОПАСНОСТИ В
 ОБЩЕСТВЕ**

АННОТАЦИЯ

В данной статье подчеркивается первостепенная важность борьбы с преступностью для обеспечения социальной стабильности, мира и безопасности в обществе. Анализируется правовая политика, проводимая государством, в частности, вопросы предотвращения преступности, совершенствования системы профилактики и усиления деятельности правоохранительных органов. На основании Указа Президента от 5 января 2026 года принимаются меры по созданию безопасной среды в районах, целевой работе с населением, внедрению цифровых технологий и укреплению межведомственного сотрудничества. Также на основе статистических данных представлены результаты практической работы, проведенной на примере Сурхандарьинской области. В статье научно и практически обосновывается эффективность профилактических мер и определены приоритетные направления на будущее.

Ключевые слова: преступность, профилактика, социальная стабильность, общественная безопасность, правоохранительные органы, район, цифровые технологии, социальная профилактика, государственная политика, правовая культура, сотрудничество, безопасная среда.

Babadjanov Bakhtiyor Bekovich,
Prosecutor of the Surkhandarya Region
Senior Justice Advisor
E-mail: pulatovmirzohid7@gmail.com

THE FIGHT AGAINST CRIME IS A PRIORITY TASK TO ENSURE SOCIAL STABILITY, PEACE AND SECURITY IN SOCIETY

ANNOTATION

This article emphasizes the paramount importance of combating crime to ensure social stability, peace, and security in society. It analyzes the legal policy pursued by the state, particularly issues of crime prevention, improving the prevention system, and strengthening the activities of law enforcement agencies. Based on the Presidential Decree of January 5, 2026, measures are being taken to create a safe environment in the districts, conduct targeted outreach, implement digital technologies, and strengthen interagency cooperation. The results of practical work conducted in the Surkhandarya region are also presented, using statistical data as an example. The article provides a scientific and practical justification for the effectiveness of preventive measures and identifies priority areas for the future.

Keywords: crime, prevention, social stability, public safety, law enforcement, district, digital technologies, social prevention, public policy, legal culture, cooperation, safe environment.

Жинойтчиликка қарши курашиш жамиятда ижтимоий барқарорлик, тинчлик ва хавфсизликни таъминлашнинг **устувор** йўналишларидан бири ҳисобланади.

Президентимиз таъкидлаганларидек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар бу фаолиятга кўрсаткичларни олдинги давр билан таққослаш орқали баҳо бериб келмоқда. Аслида битта бўлса ҳам жинойт бўлгани ҳаммамизни ташвишга солиши керак”.[1]

Мазкур жараён давлатнинг ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этиб, жинойтчиликнинг олдини олиш, унинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш ҳамда ҳуқуқбузарликларга қарши **тизимли** чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутади.

Бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти марказий ўрин эгаллаб, улар томонидан қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш ҳамда жинойтларни аниқлаш, очиш ва уларнинг олдини олишга қаратилган комплекс чоралар амалга оширилади.

Шунингдек, мазкур органларнинг самарали фаолияти жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг **юксалишига** хизмат қилади.

Айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг очиклиги, шаффофлиги ва ҳисобдорлиги аҳолининг давлатга бўлган ишончини мустаҳкамлашда **муҳим** омил бўлиб хизмат қилади.

Бу эса ўз навбатида жамиятда қонунга ҳурмат, адолат ва ижтимоий барқарорликни таъминлашга замин яратади.

Юқорида қайд этилган омилларни инобатга олган ҳолда, жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг барвақт профилактикасини таъминлаш мақсадида давлат томонидан тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, **2026** йил **5** январь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш йўналишида яхлит манзилли ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги **ПҚ-1-сонли** ҳамда “Республика маҳаллаларида жиноятчиликнинг барвақт профилактикаси самарадорлигини янада ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги **ПҚ-2-сонли** қарорлари қабул қилинди.[2]

Мазкур қарорлар доирасида маҳаллаларда жиноятчиликнинг олдини олиш, хавфсиз муҳитни шакллантириш, аҳоли билан манзилли ишлаш тизимини такомиллаштириш ҳамда профилактика ишларини янги босқичга олиб чиқишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар белгиланган.

Шунингдек, мазкур ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда жамоатчилик ўртасида **ўзаро** ҳамкорликни кучайтириш орқали жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини оширишни назарда тутди.

Ўтган йилда қабул қилинган ПҚ-1-сонли қарорнинг мантиқий давоми сифатида қабул қилинган янги қарорларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда маҳаллий ҳокимликлар зиммасига **қўшимча** вазифалар юклатилди.

Агар аввалги қарорда асосан ташкилий масалаларга, жумладан, ҳудудларни камераллаштириш, ташвиш тугмаларини ўрнатиш ҳамда объектларни қўриқловга олиш каби чора-тадбирларга устувор аҳамият берилган бўлса, янги қарорларда жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатдан янги босқичга ўтиш назарда тутилган.

Хусусан, ижтимоий профилактика самарадорлигини ошириш, хавф гуруҳига кирувчи **16** тоифадаги шахслар билан манзилли ишлаш тизимини йўлга қўйиш, криминоген вазияти мураккаб бўлган маҳаллаларга масъул раҳбарларни номма-ном бириктириш ҳамда уларнинг шахсий жавобгарлигини кучайтириш каби **вазифалар** белгиланди.

Шунингдек, жиноятчиликни бартараф этиш жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, жумладан сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш, масъул ташкилотлар фаолияти самарадорлиги устидан электрон назорат тизимини жорий этиш каби инновацион **ёндашувлар** ҳам назарда тутилган.

Бундан ташқари, криминоген вазияти оғир бўлган маҳаллаларда **“ижтимоий профилактика ҳафталиги”**ни ташкил этиш орқали аҳоли билан ишлашнинг самарадорлигини ошириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш белгилаб қўйилди.

Ўтган йилда қабул қилинган **ПҚ-1-сонли** қарорда масъул раҳбарларнинг криминоген вазияти мураккаб бўлган маҳаллаларда эришган натижалари уларнинг хизмат фаолиятини баҳолашда асосий мезон сифатида белгиланган эди.

Унга кўра, **ҳар ой** якунида ички ишлар вазири ҳузурида, **ҳар чорак** якунида Бош прокурор ҳузурида, **ҳар ярим** йилда эса Бош вазир раҳбарлигида тегишли республика раҳбарлари иштирокида танқидий муҳокамалар ўтказилиши ҳамда ҳар бир маҳалла кесимида Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот тақдим этиб борилиши назарда тутилган.

Шунингдек, натижаларга кўра масъул шахсларни рағбатлантириш ёки интизомий жавобгарликка тортиш **чоралари** белгиланган.

Янги қарорда эса мазкур тизим янада такомиллаштирилиб, маҳаллаларда хавфсиз муҳитни таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар самарадорлигини **баҳолаш** тартиби аниқлаштирилди.

Хусусан, **ҳар ой** якунида — вилоят прокурорлари ва ички ишлар органлари бошлиқлари даражасида, **ҳар чорак** якунида эса ички ишлар вазири ҳамда Бош прокурор ҳузурида тегишли вилоят ва республика раҳбарлари иштирокида танқидий муҳокамалар ўтказилиши белгиланди.

Бунда таҳлилий ахборотларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиб бориш, шунингдек, масъулларни рағбатлантириш ёки интизомий жазолаш бўйича **асосланган** таклифлар ишлаб чиқиш тартиби жорий этилди.

Шу билан бирга, қарорда **2026** йил **1** ноябрга қадар фуқароларнинг маҳалла профилактика инспекторлари билан онлайн мулоқот қилиш, фото, аудио ва видео хабарлар юбориш, шунингдек, уларнинг фаолиятини баҳолаш имконини берувчи **“Менинг инспекторим”** мобил иловасини ишлаб чиқиш ва оммалаштириш вазифаси белгиланди.

Мазкур ташаббус аҳоли билан мулоқотни кучайтириш, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш ҳамда жамоатчилик назоратини кенгайтиришга хизмат қилади.

Шунингдек, **2026** йил якунига қадар фуқароларнинг ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги оғзаки мурожаатларини ҳудуд ва соҳага боғлиқ ҳолатдан қатъи назар, ички ишлар органлари ходимларининг хизмат планшетлари орқали реал вақт режимида ягона тартибда қабул қилиш ҳамда уларга тезкор муносабат билдириш **амалиётини** жорий этиш белгиланди.

Бундан ташқари, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда **2026** йил **1** майга қадар оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этиладиган жиноятларнинг олдини олишга қаратилган **рақамли механизмларни** жорий этиш назарда тутилди.

Хусусан, низоли оилалар ҳақидаги маълумотларни йиғиш, таҳлил қилиш ва доимий мониторингини юритиш имконини берувчи **“E-ijtimoiy profilaktika”** ахборот тизимининг **“E-nizoli oila”** модулини ишлаб чиқиш ва уни суд органлари ахборот тизимлари билан тўғридан-тўғри интеграция қилиш вазифаси белгиланди.

“E-ijtimoiy profilaktika” ахборот тизими — ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширишда ижтимоий профилактика тадбирларини амалга оширувчи субъектлар ўртасида ахборот алмашиш имконини берадиган электрон тизим ҳисобланади. [3]

Қарорга мувофиқ, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шунингдек туман (шаҳар) ҳокимларига ҳар ойда шахсан камида иккита криминоген вазияти мураккаб бўлган маҳаллаларга чиқиб, ёшлар, аёллар ва ишсиз аҳоли билан олиб борилаётган ижтимоий профилактика тадбирларини **танқидий** ўрганиш вазифаси юклатилди.

Бунда аниқланган ижтимоий-иқтисодий ва маиший муаммоларни бартараф этиш юзасидан **манзилли** ва **амалий** чоралар кўриш назарда тутилган.

Бош прокурор ва ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосарларига жиноятларни ҳисобдан яшириш, шунингдек, республика миқёсида кундалик ҳисоботларга сохта маълумотлар киритиш ҳолатларига барҳам беришга қаратилган **қатъий** назорат механизмларини жорий этиш вазифаси белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 329-моддасида жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар рўйхатга олиниши ва дарҳол, жиноят ишини кўзғатиш учун сабаб қонунийлигини ва асослар етарли эканлигини текшириш зарурати бўлган тақдирда эса, ўн суткадан кечиктирмасдан ҳал қилиниши лозимлиги белгиланган. [4]

Шу мақсадда, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри прокурорлари ҳамда ички ишлар органлари раҳбарларига жиноят ишларини кўзғатишни **асоссиз** рад этиш, жиноятларни ҳисобдан яшириш ва уларни қасдан **нотўғри** малакалаш ҳолатларининг олдини олишга қаратилган тизимли назоратни таъминлаш вазифаси юклатилди.

Қарорга мувофиқ, туман (шаҳар) прокурорлари ҳамда ички ишлар органлари раҳбарларига аҳолидан келиб тушаётган ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги барча мурожаатларни **сўзсиз** рўйхатга олиш, уларни ҳар томонлама кўриб чиқиш ва қабул қилинган қарорларнинг қонунийлигини таъминлаш юзасидан **шахсий** жавобгарлик юклатилди.

Шу билан бирга, ҳар бир жиноий ҳолат бўйича белгиланган чора-тадбирларни ўз вақтида, қонуний ва тўлақонли амалга оширишни ташкил этиш вазифаси аниқ белгилаб қўйилди.

Бош прокуратура ҳузурида ташкил этилган мувофиқлаштирувчи штаб томонидан **ҳар ойда** камида икки вилоят кесимида маҳаллаларда амалга оширилаётган ишлар ҳолати ва натижадорлиги юзасидан масъул идора ва муассасалар иштирокида **танқидий** муҳокамалар ўтказиш амалиёти жорий этилди.

Бунда мазкур масалага масъулиятсиз ёндашган раҳбарларга нисбатан интизомий жазодан тортиб, лавозимидан озод этишгача бўлган **таъсир** чораларини қўллаш тартиби белгиланди.

Бундан ташқари, қарорда аҳоли ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва ижтимоий профилактика самарадорлигини ошириш мақсадида **“Ижтимоий профилактика ҳафталиги”**ни ташкил этиш назарда тутилди.

Ушбу тадбирни ташкил этишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, туман (шаҳар) ҳокимликлари, давлат органлари ва идоралари, шунингдек жамоатчилик тузилмалари ҳамда маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари иштирок этади.

Туман (шаҳар) ҳокимлари томонидан ҳудудларни ўрганиш жараёнида аниқланган муаммоларнинг долзарблигидан келиб чиққан ҳолда **“Ижтимоий профилактика ҳафталиги”**ни ўтказиш бўйича таклифлар шакллантирилиб, тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларига киритилади.

Мазкур таклифлар асосида белгиланган тартибда ҳудудларда **“Ижтимоий профилактика ҳафталиги”**ни ташкил этиш бўйича тегишли фармойишлар қабул қилинади.

Фармойишда “Ижтимоий профилактика ҳафталиги” ўтказиладиган **кунлар ҳафта** ҳисобида туманлар ва маҳаллалар кесимида иловага мувофиқ белгиланади.

Фармойиш ижросини таъминлашга шахсан туман (шаҳар) ҳокимлари **масъул** этиб белгиланади ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларида ташкилий кўмита ва идоралараро **ишчи гуруҳ** тузилади.

“Ижтимоий профилактика ҳафталиги” ўтказиладиган жой ва аниқ сана ҳақида **оммавий ахборот воситалари** (ижтимоий тармоқлар) орқали аҳолига эълон қилинади.

“Ижтимоий профилактика ҳафталиги”га адлия, соғлиқни сақлаш, **“Инсон”** ижтимоий хизматлар марказлари, ИИБ, прокуратура, мактабгача ва мактаб таълими, иқтисодиёт ва молия, оила ва хотин-қизлар ва ёшлар ишлари бўлимлари **жалб қилинади**.

Бундан ташқари, қарор талаблари асосида вилоят криминоген вазияти оғир маҳаллаларда жиноятларни жиловлаш ва хавфсиз муҳитни яратиш бўйича бириктирилган масъуллар томонидан қуйидаги ишлар амалга оширилади:

- маҳаллаларда **“Ижтимоий профилактика ҳафталиги”** ўтказилишини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар содир бўлиш эҳтимоли юқори бўлган жой (объект)лар, шунингдек, ҳуқуқбузарлик содир қилиш ёки жиноят қурбонига айланиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар бўйича **“маҳалла еттилиги”** аъзолари **номма-ном** тақсимлаш ва уларнинг муаммоларини ҳал этиш чораларини кўриш, ижтимоий профилактика объектлари, айниқса оила-турмуш доирасида ҳуқуқбузарликлар содир этувчи шахсларнинг (жанжалкаш ва низоли оилалар) ҳолидан **ҳар ҳафтада** хабар олиш амалиётини йўлга қўйиш;

- аҳолининг ижтимоий вазиятидан хабардор бўлиши, диний экстеремизм ва терроризмга қарши ғоялардан ҳимоялашга қаратилган профилактик чора-тадбирларни амалга оширилиши устидан назоратни **кучайтириш**.

Шунингдек, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахслар томонидан қайта жиноят содир этилишини олдини олиш мақсадида, **маъмурий назоратга** олиш чоралари кўриш белгиланган.

Ички ишлар органларининг жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахслар устидан маъмурий назорати тарбиявий-профилактик таъсир кўрсатиш чора-

тадбирлари мажмуидан иборат бўлади ва назорат остидагиларга нисбатан қонунчиликда назарда тутилган чекловларни қўллашдан иборат бўлади. [5]

“Ижтимоий профилактика” ҳафталик доирасида тазйиқ ва зўравонликка учраган хотин-қизларни ҳимоя қилиш мақсадида ҳимоя ордерлари билан таъминлаш чораларини кўриш белгиланди.

Ҳимоя ордери — тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига давлат ҳимоясини тақдим этувчи, хотин-қизларга тазйиқ ўтказаетган ёки уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахсга ёхуд бир гуруҳ шахсларга нисбатан ушбу Қонунда белгиланган таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилишига сабаб бўладиган ҳужжат ҳисобланади. [6]

Сурхондарё вилояти прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 5 январдаги **ПҚ-1** ва **ПҚ-2**-сон қарорлари ижросини таъминлаш юзасидан зарур ташкилий ва амалий чора-тадбирлар **изчил** равишда амалга оширилмоқда.

Жумладан, мазкур қарорлар ижросини самарали ташкил этиш мақсадида 2026 йил 20 январь куни Сурхондарё вилоят ҳокимлиги, вилоят прокуратураси, ички ишлар, Миллий гвардия ҳамда Ўзбекистон Маҳаллалари уюшмаси вилоят бошқармаларининг қўшма қарори қабул қилиниб, вилоят прокуратураси ҳузурида маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикасини комплекс ташкил этишга қаратилган янги **идоралараро мувофиқлаштириш штаби** ҳамда ишчи гуруҳи **шакллантирилди**.

Мазкур штаб таркибига 16 та бошқарма ва ташкилотлар киритилиб, уларнинг асосий вазифаси сифатида мақсадли ва устувор йўналишларни белгилаш, худудий **“йўл хариталари”** ижросини тизимли назорат қилиш белгиланди.

Шунингдек, 2026 йил 16 январь куни идоралараро мувофиқлаштирувчи штабнинг биринчи йиғилиши ўтказилиб, қарорлар ижросини таъминлаш бўйича **аниқ** чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ҳамда жорий йил давомида амалга оширилиши лозим бўлган чораклик **асосий мақсадли кўрсаткичлар** тасдиқланди.

Қарорларнинг мазмун-моҳиятини жойларда кенг тарғиб қилиш ва амалий ижросини таъминлаш мақсадида тизимли равишда **ўқув-семинарлар** ташкил этилди.

Шу каби, Сурхондарё вилоятида ўтказилган хатлов ишлари натижасида хонадонларда яшовчи жами **34 170** нафар шахсларга ижтимоий профилактика тартибида тегишли хулосалар берилиб, улардан **17 470** таси ижобий ҳал этилди. [7]

Бу эса аҳоли муаммоларини манзилли ҳал этиш борасида амалга оширилатган чора-тадбирларнинг **самарадорлигини** кўрсатади.

Хусусан, **“оғир тоифа”**га кирувчи **198** нафар ёшнинг **бандлиги** таъминланиб, уларнинг **186** нафари чет тиллари ва касб-ҳунар **ўқув** курсларига жалб этилди.

Шунингдек, криминоген вазияти мураккаб бўлган маҳаллаларда истиқомат қилувчи **825** нафар хотин-қизларга **амалий** ёрдам кўрсатилди ҳамда **“оғир”** маҳаллалардаги **485** нафар ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланди.

Муқаддам судланганлар ва маъмурий назоратда турган шахслар билан жами **740** та профилактик **суҳбатлар** ўтказилиб, **189** нафарининг ижтимоий муаммолари **ҳал** этилди.

Шу билан бирга, хорижда узоқ муддат бўлиб қайтган **2 500** нафар шахс билан профилактик ишлар олиб борилиб, уларнинг **650** нафарини иш билан таъминлашга ҳамда **1 500** нафарини тиббий кўриқдан ўтказишга **кўмаклашилди**.

Вилоятдаги барча олий таълим муассасаларида талаба ёшлар билан учрашув ўтказилиб, талабаларга жиноят ва ҳуқуқбузарлик содир этишнинг **оғир** оқибатлари ҳақида тушунтиришлар берилди.

Жумладан, талабалар ўртасида жами **100** маротаба профилактик тадбирлар ўтказилиб, уларнинг хавф гуруҳига мансуб **50** нафарига мураббийлар бириктирилди.

Шунингдек, талабалар ётоқхоналарида **“Қалқон”** гуруҳи аъзолари томонидан **70** та назорат тадбирлари ташкил этилди.

Бу эса талабалар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва интизомни мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Мақтабларда эса **350** мартаба даволат тадбирлари амалга оширилиб, мунтазам дарс қолдирувчи **250** нафар ўқувчи дарс жараёнига қайтарилди.

Ота-онаси чет элга кетган **60** нафар қаровсиз қолган ўқувчи турли тўғарақларга жалб қилинди ҳамда ижтимоий кўмакка муҳтож **150** нафар фуқаронинг муаммолари ҳал этилди.

Маҳаллалардаги аҳоли гавжум жойлар ва кўчаларига **318** та видеокузатув камералари, кўп қаватли уйларнинг ҳовлиларига, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларининг кириш – чиқиш жойларига ҳамда очиқ спорт майдонларига **446** та РТЗ-камералари камералари ўрнатилди.

Кўп қаватли уйларнинг эшиклари **404** та замонавий домофон комплекслари билан жиҳозланди.

Кўриқлаш хизмати томонидан **2552** та кўп қаватли ва яқка тартибдаги хонадонлар ҳамда **280** та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари техник кўриқловига олиниб, кўп қаватли уйларнинг кириш йўлақлари олдига **60** та “ташвиш тугмалари” ўрнатилди.

Бундан ташқари, қарор талаблари асосида маҳаллаларда **229** та намунавий “хавфсиз кўча” ҳамда **150** та “хавфсиз уй”лар ташкил этилди.

Криминоген вазияти оғир бўлган 5 йилдан буён “қизил” тоифага бўлган Денов туманидаги “Баҳористон” ва “Боғинав” маҳаллаларига кўшимча патрул бригадалари ташкил этилди.

Амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар натижасида Сурхондарё вилоятида маҳалла ҳудудида олдини олиш мумкин бўлган жиноятлар **11,9** фоизга (**134/118**) камайган бўлса, аниқланадиган жиноятлар **61,7** фоизга (**274/443**) ошди.

Шунингдек, енгил тан жароҳати етказиш жиноятлари (**18/5**) **72,2** фоизга, фирибгарлик ҳолатлари (**40/18**) **55** фоизга, ўртача оғир тан жароҳати етказиш жиноятлари (**12/10**) **16,7** фоизга ҳамда йўл-транспорт ҳодисалари **4,8** фоизга камайди.

Натижада маҳаллаларнинг **649** таси “яшил” тоифада сақланиб қолди, **71** та маҳаллада эса жиноятчилик ҳолатлари барқарор даражада сақланди.

Қарорлар ижроси юзасидан криминоген вазияти мураккаб бўлган маҳаллаларда амалга оширилган ишлар вилоят прокурори ва ички ишлар бошқармаси бошлиғи ҳузурда муҳокама қилиниб, келгусида амалга ошириладиган устувор вазифалар белгилаб олинди.

Хориж тажрибаси шуни кўрсатадики, жиноятчиликка қарши кураш профилактика, ижтимоий-иқтисодий чоралар, жамоатчилик иштироки ва халқаро ҳамкорликка асослангандагина самарали бўлади.

Бу нафақат жиноятлар сонини камайтиради, балки жамиятда ишонч, барқарорлик ва тинчликни мустаҳкамлайди.

Ўзбекистон учун бу тажрибаларни миллий шароитларга мослаштириш (маҳаллалар, ёшлар дастурлари, рақамли технологиялар) долзарб аҳамиятга эга.

Шунингдек АҚШ ва Европада жамоатчиликни жалб қилиш, иш ўринлари яратиш, ёшларни иш билан таъминлаш ва қашшоқ маҳаллаларни ривожлантириш жиноятчиликни 20-70% гача қисқартиришга ёрдам берди. Ишсизликни камайтириш ва ижтимоий дастурлар рецидивизмни ҳам пасайтиради.[8]

Хулоса қилиб айтганда, жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг барвақт профилактикасини таъминлаш борасида амалга оширилаётган комплекс чора-тадбирлар ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Хусусан, маҳаллаларда манзилли ишлаш тизимининг жорий этилиши, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг мувофиқлаштирилиши ҳамда аҳоли билан яқин мулоқотнинг йўлга қўйилиши жиноятчилик даражасини пасайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Статистик кўрсаткичлар таҳлили шуни кўрсатадики, профилактик тадбирларнинг кенг қамровда амалга оширилиши натижасида олдини олиш мумкин бўлган жиноятлар камайиб, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида сезиларли ютуқларга эришилган.

Президентимиз таъкидлаганларидек, “жиноятчиликни олдини олиб, жамиятдаги тинчлик ва барқарорликка одамларни ишонтира олсак, халқ биздан рози бўлади

Мен нима учун жиноятчиликка қарши курашни биринчи ўринга қўяйман, агар жиноятчиликка қарши курашишни жой-жойига қўя олсак, олиб бораётган ишларимизга аҳолининг ишончи ортади, одамлар бизга ишонади.[9]

Замонавий ёндашувлар, жумладан рақамли технологиялар ва идоралараро ҳамкорлик механизмларининг жорий этилиши профилактика ишларининг самарадорлигини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Шу нуқтаи назардан, келгусида ҳам мазкур тизимни изчил ривожлантириш, аҳоли билан ишлашнинг манзилли ва самарали механизмларини такомиллаштириш ҳамда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш орқали жиноятчиликка қарши курашишда барқарор ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Президентимиз таъкидлаганларидек, “жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади”.

Ҳақиқатдан ҳам, маҳаллаларда манзилли ишлаш тизимининг жорий этилиши, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг мувофиқлаштирилиши ҳамда аҳоли билан яқин мулоқотнинг йўлга қўйилиши жиноятчилик даражасини пасайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Статистик кўрсаткичлар таҳлили профилактик тадбирларнинг самарадорлигини яққол намоён этмоқда.

Шу билан бирга, давлат раҳбари томонидан илгари сурилган “ҳар бир маҳаллада хавфсиз муҳитни таъминлаш — барқарор тараққиёт гаровидир”[10] деган ғоя бугунги ислохотларнинг мазмун-моҳиятини белгилаб бермоқда. Бу эса жиноятчиликка қарши курашишда замонавий ёндашувлар ва жамоатчилик иштирокини янада кенгайтириш зарурлигини кўрсатади.

Шу нуқтаи назардан, келгусида ҳам мазкур тизимни изчил такомиллаштириш, профилактика ишларини кучайтириш ва аҳоли билан манзилли ишлаш орқали барқарор ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Бундан ташқари, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда таълим муассасалари, оила ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади. Ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш, уларни бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, спорт ва маданий тадбирларга жалб қилиш орқали салбий ҳолатларнинг олдини олиш мумкин. Шунингдек, аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот ишларини кучайтириш, қонунчилик мазмунини содда ва тушунарли тарзда етказиш ҳам профилактиканинг муҳим йўналишларидан биридир.

Ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, жумладан видеокузатув тизимлари, электрон назорат ва таҳлил платформаларини жорий этиш орқали жиноятларни тезкор аниқлаш ва олдини олиш имкониятлари кенгайди. Идоралараро маълумот алмашинувини кучайтириш эса муаммоларни барвақт аниқлашга хизмат қилади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, барча соҳалардаги ҳамжиҳатлик, масъулият ва замонавий ёндашувлар уйғунлиги жиноятчиликка қарши курашишда энг муҳим омил ҳисобланади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. <https://kun.uz/kr/17729101>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 5 январдаги ПҚ-1-сонли қарори “Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш йўналишида яхлит манзилли ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” (Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan No. PP-1 of January 5, 2026, "On additional measures aimed at implementing a system of comprehensive targeted work to create a safe environment in the republic's neighborhoods.").
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 01.12.2025 йилдаги 754-сон.
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, 01.04.1995 йил.

5. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 14.05.2014 йилдаги ЎРҚ-371-сон
6. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 02.09.2019 йилдаги ЎРҚ-561-сон
7. Сурхондарё вилояти прокуратурасининг 2026 йил I-чорак ҳисобот маълумотлари (Data from the Surkhandarya Regional Prosecutor's Office report for the first quarter of 2026).
8. Vital City ҳисоботи (Нью-Йорк): Ижтимоий дастурлар, жамоатчилик иштироки ва маҳаллаларни ривожлантириш орқали жиноятчиликни қисқартириш ҳақида
9. <https://zamin.uz/uz/jamiyat/28343-shavkat-mirzиеv-zhinoyatchilikka-arshi-kurashishni-zho-y-zho-yiga-ya-olsak-odamlar-bizga-ishonadi.html>
10. 2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида ("On measures to further improve the effectiveness of the system for creating a safe environment in the republic's neighborhoods and early crime prevention in 2025") <http://lex.uz//ru/docs/7330260>

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

JOURNAL OF LAW RESEARCH

Taqdim etilayotgan maqolalarga qo'yilgan talablar:

1. Maqola o'zbek, ingliz va rus tillarida qabul qilinadi va Microsoft Word dasturida Times New Roman shriftida 12 kegl, 1 satr oralig'ida, sahifalar barcha tomondan 2 sm qoldirilgan bo'lishi shart. Satr boshi - 1,25 sm bo'lib, satrlarni eniga to'g'irlash, so'zlarni boshqa qatorga ko'chirish avtomatik tarzda bo'lishi lozim.
2. Birinchi qator o'ng tomondan muallifning familiyasi, ismi va otasining ismi, ikkinchi qatorda muallifning ish joyi, lavozimi, ilmiy darajasi va unvoni va e-mail, uchinchi qatorda sahifaning o'rtasida bosh va qalin harflar bilan maqolaning nomi yoziladi. Ushbu ma'lumotlar o'zbek, ingliz va rus tillarda berilishi lozim.
3. Keyingi qatordan o'zbek, ingliz va rus tillarida kamida 60 ta o'zbek, ingliz va rus tillarida so'zdan iborat annotatsiya beriladi.
4. Keyingi qatordan 6-10 ta o'zbek, ingliz va rus tillarida kalit so'zlar beriladi.
5. Keyingi qatordan asosiy matn umimiy so'zi minimal 2000 ta bo'ladi.
6. Adabiyotlarning to'liq ro'yxati asosiy matndan so'ng alifbo tartibida ko'rsatilishi lozim va havolalar asosiy matnda bo'lishi kerak [1, B.25].
7. Maqolada keltirilgan dalillarning to'g'riligi uchun muallif mas'ul, plagiat holati taqiqlanadi.
8. Web of science, Scopus tizimidagi jurnallardan iqtiboslar olish maqsadga muvofiqdir.

Требования к оформлению научной статьи:

1. Статья принимается на узбекском, английском и русском языках и должна быть оформлена в Microsoft Word шрифтом Times New Roman, размер 12, межстрочный интервал — 1, поля со всех сторон — 2 см. Абзацный отступ — 1,25 см; выравнивание по ширине и переносы слов должны быть включены автоматически.
2. В первой строке справа указываются фамилия, имя и отчество автора; во второй строке — место работы автора, должность, ученая степень и звание, а также e-mail; в третьей строке по центру страницы крупным и жирным шрифтом — название статьи. Эти сведения должны быть приведены на узбекском, английском и русском языках.
3. Ниже дается аннотация на узбекском, английском и русском языках, содержащая не менее 60 слов на каждом языке.
4. Далее приводятся 6–10 ключевых слов на узбекском, английском и русском языках.
5. Далее основной текст: общий объем текста должен быть не менее 2000 слов.
6. Полный список литературы должен быть приведен после основного текста в алфавитном порядке; ссылки должны присутствовать в основном тексте в формате [1, C.25].
7. Автор несет ответственность за достоверность приведенных в статье доказательств; плагиат запрещен.
8. Рекомендуется цитирование журналов из база данных Web of Science и Scopus.

Requirements of the articles submitted:

1. Articles are accepted in Uzbek, English and Russian and must be prepared in Microsoft Word using Times New Roman font, size 12, single line spacing, with 2 cm margins on all sides. First-line indent is 1.25 cm; text should be justified and word hyphenation/line breaks set to automatic.
2. In the first line on the right: the author's surname, given name and patronymic; in the second line: the author's affiliation, position, academic degree and title, and e-mail; in the third line centered on the page: the article title in bold and uppercase (or bold). These details must be provided in Uzbek, English and Russian.
3. Next, provide an abstract in Uzbek, English and Russian of at least 60 words in each language.
4. Next, provide 6–10 keywords in Uzbek, English and Russian.
5. Next, the main text: total word count must be at least 2000 words.
6. The full list of references must appear after the main text in alphabetical order, and citations should appear in the main text in the format [1, P.25].
7. The author is responsible for the accuracy of the evidence presented in the article; plagiarism is prohibited.
8. It is advisable to include citations from journals indexed in Web of Science and Scopus.